O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 15 январь, №10 (3284) Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришда муҳим роль ўйнайдиган маҳаллий хом ашёдан бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантиришда ва уни амалга ошириш жараёнида жиддий камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд.

Ўтказилган танқидий таҳлил шуни кўрсатадики, бир қатор қўшма корхоналар ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан чиқарилаётган бутловчи буюмлар, узеллар ва блоклардан кенг фойдаланиш бўйича зиммаларига қабул қилган мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминлашмаяпти. Бунинг асосий сабаби — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш бозори маркетинги бўйича ишларнинг суст ташкил этилганлиги ва қўшма корхоналарни ташкил этишда экспорт бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаётганидир.

Ишлаб чиқаришнинг маҳаллий хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар ҳисобига бутланиши учун ишлаб чиқарувчиларни қизиқтирувчи божхона преференциялари ва солиқ имтиёзларининг самарали тизимини яратиш ҳисобига ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалаларини ҳал этишга комплекс ёндашув амалда мавжуд эмас. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган корхоналар раҳбарларини ва муҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти.

Янги технологияларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан янгилаш, рақобатга бардошли бутловчи буюмлар, узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари аниқ субъектларнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш бозорини кенгайтириш, маҳаллийлаштирилаётган ишлаб чиқаришлар учун техник ходимлар тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бўйича изчил иш олиб боришдан манфаатдорлигини оширишнинг таъсирчан механизмини яратиш билан боғланган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларини босқичма-босқич кенгайтиришнинг ўзаро боғлиқ комплекс дастури деярли шакллантирилмаган.

Камчиликларни бартараф этиш ва кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш, мамлакатимизда рақобатга бардошли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришни ва турларини кенгайтиришни янада рағбатлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ҳисобига товарлар импортини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Хорижий инвестициялар иштирокида ишлаётган ва янгидан ташкил этилаётган корхоналар учун бутловчи буюмлар, узеллар ва блоклар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини изчил амалга ошириш, бунинг учун замонавий технологик базани яратиш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва янги технологияларни ўзлаштириш, тегишли малакага эга бўлган кадрларни тайёрлаш ўтказилаётган таркибий сиёсатнинг муҳим, устувор вазифаси ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 11 ноябрдаги Ф-1863-сон фармойишига мувофиқ тузилган ишчи гуруҳ томонидан маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш мақсадидаги маҳсулотларни импорт қилиш ҳажмларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча имкониятлар баҳолаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ишчи гуруҳ томонидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида ишлаб чиқилган 2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш комплекс дастури маъқуллансин.

Қуйидагилар:

тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси рўйхати;

саноат маҳсулотларининг асосий турлари учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхати;

тайёр маҳсулотларнинг янги турларини, уларга қисмлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхати;

хом ашё, компонентлар ва саноат материаллари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхати;

республика корхоналарида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун ишлаб чиқариш-техника ва истеъмол мақсадларидаги материаллар ва буюмлар рўйхати тасдиқлансин.

3. Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш комплекс дастурини амалга ошириш масалалари бўйича Махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия (Ў. Т. Султонов):

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси иштирокида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё, компонентлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан мунтазам назорат ўрнатсин ва ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

2004 йил 13 январь куни Термиз — Тошкент маршрути бўйича HY-1154-рейсни амалга ошираётган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига қарашли ЯК-40 самолёти Тошкент шаҳри аэропорти ҳудудида авиаҳалокатга учради. Натижада 37 киши, жумладан, 5 нафар экипаж аъзолари ҳалок бўлдилар.

Одамлар ўлимига сабаб бўлган мазкур ҳалокат муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Авиаҳалокат сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси тузилсин.

Комиссияга авиаҳалокат сабабларини аниқлаш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун тегишли вазирликлар ва идораларнинг ушбу ишларни пухта амалга ошира оладиган мутахассислари ва экспертларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ҳукумат комиссияси:

ҳалокатга учраган самолётнинг бўлакларини топиш ва ўрганиш, ҳалок бўлганларнинг жасадларини суд-тиббий экспертизадан ўтказиш, шунингдек, уларнинг шахсини аниқлаш бўйича ишларни ташкил этсин;

ҳалок бўлганларнинг жасадларини уларнинг яшаш жойларига қариндошларига етказишни таъминласин, дафн маросимларини ташкил қилишда кўмаклашсин ва иштирок этсин;

авиаҳалокатга сабаб бўлган вазиятни атрофлича ўрганиш бўйича суруштирув ўтказсин. Бош прокуратура қонунчиликка мувофиқ авиаҳалокат ҳолати бўйича жиноий иш қўзғатсин ва зарур бўлган тезкор-тергов тадбирлари ўтказишни таъминласин;

авиаҳалокат оқибатида ҳалок бўлган фуқароларнинг оилаларига белгиланган тартибда моддий ва бошқа ёрдамларни кўрсатсин;

бажарилган ишлар натижалари ва келгусида бундай ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тайёрланган таклифлар тўғрисида 2004 йил 25 январгача ахборот берсин.

3. Авиаҳалокат оқибатида фуқароларнинг курбон бўлганлиги муносабати билан 2004 йил 15 январь мамлакатда мотам куни деб эълон қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 14 январь.

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Йўловчилар ва экипаж аъзолари ҳалок бўлган фожиа — Тошкент аэропортида рўй берган авиафалокат муносабати билан чуқур ҳамдардлигимизни қабул қилгайсиз.

Ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига ғоят самимий мадад ҳамда ҳамдардлик сўзларимизни етказишингизни сўрайман.

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

13 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясининг ЯК-40 самолёти фалокати натижасида рўй берган фожиа ва кўплаб инсонлар курбон бўлганлиги тўғрисида Украина аҳли чуқур қайғу билан хабар топди.

Мамлакатимиз халқи бу оғир мусибатда Сизга ҳамдарддир. Азиз Ислом Абдуғаниевич, Украина халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга, ҳалок бўлганларнинг оилаларига, бутун дўст ўзбек халқига чин дилдан ҳамдардлик изҳор этаман.

Камоли эҳтиром ила,

Леонид КУЧМА,
Украина Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкент шаҳрида рўй берган фожиали авиафалокат натижасида кўплаб одамлар курбон бўлгани ҳақидаги хабар мени ғоят қайғуга солди.

Ушбу фожиа муносабати билан Сизга, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва яқинларига чуқур қайғу ила чин дилдан ҳамдардлигимни изҳор этаман.

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

13 январь куни Тошкент шаҳри аэропортида юз берган ва ўнлаб одамларнинг умрига зомин бўлган авиаҳалокат тўғрисидаги хабарни эшитиб, қаттиқ қайғуга тушдим.

Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номимдан ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламан.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги хабари

Хабар қилинганидек, 2004 йил 13 январь куни соат 19.27 да Тошкент шаҳар аэропорти ҳудудида Термиз — Тошкент йўналиши бўйича 1154-рейсни бажараётган ЯК-40 самолёти қўниш чоғида ҳалокатга учради. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 14 январь куни ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз ва хориж журналистларига содир бўлган воқеа тафсилотлари маълум қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В. Норов иштирок этди.

Маълум қилинганидек, соат 19.27 да ЯК-40 самолётининг шассиси "Тошкент" аэропортига қўниш чоғида ҳозирча номаълум сабабларга кўра учиш-қўниш йўлагига тегмаган. Самолёт икки метр баландликда аэропорт ҳудудидаги бетон тўсиққа урилиб, Янгиобод даҳасидан оқиб ўтувчи Қорасув каналига қулаб тушган. Натижада самолётда ёнғин чиққан.

Авиаҳалокат оқибатида 32 йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлди. Йўловчиларнинг тўрт нафари хорижий давлатлар фуқароси, улар орасида БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ричард Конрой ҳам бўлган. Воқеа жойида авария-қутқарув хизматлари иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 январь куни кечқурун ҳалокат рўй берган жойга борди. Давлатимиз раҳбари ҳалок бўлганларнинг оилаларига зарур ёрдам кўрсатиш, авиаҳалокат сабабларини атрофлича ўрганиш ва аниқлаш бўйича тезкор ташкилий чоралар кўриш ҳақида кўрсатма берди.

Бош вазир Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳарбийлашган тузилмалар ва давлат ҳокимияти органлари раҳбарларидан иборат ҳукумат комиссияси тузилди. Комиссия зиммасига ҳалокат сабабларини аниқлаш ва ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ҳамда қариндошларига зарур ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур ҳалокат юзасидан жиноят иши қўзғади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан иборат тезкор-тергов гуруҳи ташкил этилиб, текширув ишлари бошланди. Текширув чоғида ҳалокат жойидан топилган самолётнинг "қора қути"си ўрганиш учун махсус комиссияга топширилди.

Бош прокурор Р. Қодиров журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, террорчилик ҳаракати эҳтимоли ҳақида бевосита далиллар йўқлигини, аммо бундай тахмин ҳам, албатта чуқур ўрганиб чиқилишини таъкидлади.

Мазкур иш юзасидан суриштирув давом этмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Юнусобод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлимининг 18-ҳарбийлаштирилган қисми энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Бўлинма сардори, ички хизмат сержанти Дилшод Тўлаганов — ўз касбининг устаси. У пойтахтда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай ёнғин хавфининг олдини олиш учун ходимлари билан бирга ҳамиша ҳушёр туради.

СУРАТДА: Дилшод Тўлаганов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

НУКУС (ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ).

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ўтган мажлисда республикада Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Жўқорғи Кенгес Раиси М. Ерниязов бошқарган мажлисда Қорақалпоғистоннинг тегишли вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими ташкил этилганидан буён ўтган вақт ичида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун 440 спорт зали, уч минг спорт майдончаси, иккита ёпиқ сув ҳавзаси, 33 ўсмирлар спорт мактаби хизмат кўрсатмоқда. Бугунги кунда спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар сони Қорақалпоғистон бўйича 36 минг 800 нафарга етди.

Мажлисда республикада болалар спорти иншоотларини қуриш ва қайта таъмирлашни жадаллаштириш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Танлов ғолиби — Шаҳрисабз

Шаҳрисабз тумани Қашқадарё вилоятида «Болалар спорти энг яхши ривожланган туман», деб тан олинди. Болалар спортини ривожлантириш бўйича туманда ўзига хос тажриба тўпланган. Спорт иншоотлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш, ёшларга, айниқса, чекка қишлоқ ёшларини спортга жалб этиш борасида хайрли тадбирлар амалга оширилган. Вилоят ҳокимлигида кўрик-танлов ғолибларини аниқлашда ана шу жиҳатлар эътиборга олинди. Бошланган хайрли ишларни давом эттириш, шаҳрисабзликлар тажрибасини оммалаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Н. РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПАХТА ҚИШЛОҚДА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

НАВОИЙ (ЎзА мухбири Ёрқул УМАР).

Навбаҳор туманининг Й.Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигида пахтани қайта ишлаш заводи қурилиши бошланди. Шу пайтга қадар туманда етиштирилган пахта эллик чақирим олисдаги Навоий пахта тозалаш заводига топширилар эди. Йилига 30 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга мазкур корхона қурилиши туман фермерлари ва ширкат хўжаликлари учун катта қулайлик яратади.

Маслаҳатли ГАП

Диққат, янги рукн:

Халқимизнинг энг ибратли фазилатларидан бири бамаслаҳат иш тутишдир. Ҳаётда учраган муаммони ҳал қилиш, турмушимизни яхшилаш йўлидаги тўсиқни енгиб ўтиш зарурати туғилса, албатта, тажрибали, тадбирли, донишманд кишиларнинг оқилона ўгити, қимматли йўл-йўриғи бамисоли малҳам бўлади.

Ана шу азалий қадриятларимиздан келиб чиқиб, газетанинг бугунги сонидан бошлаб «Маслаҳатли гап» рукнини жорий этяпмиз. Зеро, доно халқимизнинг «Кўпдан кўп ақл чиқар», «Ҳар иш қилсанг, эл билан кенгаш», «Маслаҳат - зардан қиммат» каби нақллари миллатимиз табиатини, ўзига хос ғоясини ифодалайди. Кўнглингизда кўпчилик билан баҳам кўрадиган, юртдошларимизга айтишни дилингизга тўккан гапларингиз бўлса, марҳамат, «Халқ сўзи» саҳифалари сизга минбар бўлади. Бинобарин, маслаҳат билан кўп яхши ниятлар рўёбга чиқишини ҳаётимиз кўрсатиб келаётгани аён ҳақиқат.

Янги рукн остидаги илк мақолани 3-бетда ўқинг.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

икки ой муддатда маҳсулотларнинг тайёр турларини ишлаб чиқараётган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар рўйхатини аниқласин, улар бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасининг оширилиши устидан мониторинг олиб бориш механизми тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Вазирлар Маҳкамасига корхоналарнинг раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кенгайтирилишидан манфаатдорлигини оширишни рағбатлантиришга доир таклифлар киритсинлар, бунда улар меҳнатига ҳақ тўлашни ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши даражасига янада кўпроқ боғлаш назарда тутилсин.

Бошқарувнинг барча даражаларида иш якунларини чиқаришда раҳбарларнинг ишига баҳо бериш мезонларидан бири сифатида ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши даражаси, маҳаллий хом ашё негизида рақобатбардошли тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, узеллар ва блоклар, материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши кўрсаткичидан фойдаланилсин.

5. Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар 2004 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга:

четдан олиб келинаётган технология асбоб-ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар, шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган материаллар ва компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларига мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган субъектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Адлия вазирлиги кўрсатиб ўтилган имтиёзларни қўллаш ва бўшаётган маблағлардан тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш учун мақсадли фойдаланиш тўғрисидаги низомни ўн кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги республикада ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентлар тоифасига киритиш тўғрисида хулосалар бериш бўйича ваколатли орган этиб белгиласин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган хулосаларни беришни тартибга солувчи тегишли низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

7. Белгиласинки, зарурат бўлганда Маҳаллийлаштириш дастури рўйхати ва параметрларига тузатиш киритиш Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идораларнинг хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамаси комплекслари билан келишган ҳолда Дастурни амалга ошириш масалалари бўйича Махсус комиссиянинг таклифларига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини қабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

Махсус комиссия Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритишга доир таклифларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартибини ишлаб чиқсин.

8. Республиканинг тижорат банкларига 2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш комплекс дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган, тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиладиган корхоналарни ҳисобга олиш ва банкларнинг ҳар йилги кредит портфелларини тузишда уларга устувор аҳамият бериш тавсия этилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг "2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хом ашё негизида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар рўйхатини аниқлаштириш тўғрисида" 2001 йил 22 ноябрдаги 456-сон қарорининг 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 14 январь.

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкент аэропортида ЯК-40 самолёти ҳалокатга учраб, одамлар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни Тожикистон аҳли чуқур қайғу-алам билан қабул қилди.

Сизга тожик халқи номидан чин дилдан ва чуқур ҳамдардлик изҳор эта туриб, марҳумларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига бизнинг таъзиямизни етказишингизни сўрайман.

Самимият ила,

Имомали РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкентда одамлар ҳалок бўлган авиафалокат тўғрисидаги хабарни эшитиб, ғоят қайғурдим.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, беларус халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга, марҳумларнинг қариндошлари ва яқинларига, Ўзбекистон халқига чин дилдан ҳамдардлик изҳор этаман.

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларус Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

2004 йил 13 январь куни Тошкент аэропортида Термиз-Тошкент рейсини бажараётган ЯК-40 самолёти фалокатга учраб, 37 киши фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан кузбасликлар ва шахсан ўз номимдан астойдил таъзия ва ҳамдардлик сўзларини изҳор этаман. Содир бўлган воқеадан Кузбасс аҳли билан бирга ларзага тушдим. Ана шу даҳшатли фалокатда қурбон бўлганларнинг оилалари, қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик ва таъзиямизни етказишингизни сўрайман.

Биз улар билан ва бутун Ўзбекистон халқи билан бирга қайғудамиз.

Аман ТУЛЕЕВ,
Кемерово вилояти Губернатори.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Термиз-Тошкент рейсини бажарувчи ЯК-40 самолётининг авиация фалокатига учрагани ҳамда Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳалок бўлгани тўғрисидаги хабарни эшитиб ниҳоятда чуқур қайғуга тушдим.

Сизга, Ўзбекистон халқига, марҳумларнинг қариндошлари ва яқинларига чин дилдан изҳор этаётган ҳамдардлигимни лутфан қабул қилгайсиз.

Давлатлараро авиация қўмитаси ушбу мудҳиш авиация ҳодисасини текширишда иштирок этишни таъминлайди ва фожианинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш учун имкони бўлган барча ишни қилади.

Камоли эҳтиром ила,

Татьяна АНОДИНА,
Давлатлараро авиация қўмитасининг раиси.

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Раҳбар» марказида 5-10 январь кунларида олий таълим муассасалари ректорлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Семинарда янги педагогик технологияларни олий таълим тизимига жорий этиш масалалари муҳокама этилди.

Янги педагогик технологиялар – амалиётга

Бир ҳафта давом этган анжуманда ушбу мавзуда республикамизнинг етук мутахассислари маъруза қилдилар. Шунингдек, семинар жараёнида Давлат ва жамият қурилиши академиясида ҳамда Вестминстер университетида педагогик амалиётда қўлланилаётган мультимедиа дастурлари намойиш этилди.

Семинарда қатнашган ректорларга муҳокама этилган масала бўйича уларнинг малакасини тасдиқловчи сертификатлар топширилди. Энди улар ўз олий ўқув юртларидаги профессор-ўқитувчилар учун малака ошириш курсларини ташкил этадилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Ислоҳот одимлари

ЕРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАЛАРИ

фермерлар бўлиши керак!

Қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотларнинг дастлабки босқичида янги мулкдорлар — фермерлик ҳаракатининг илк қалдирғочлари пайдо бўлди. Давлат ва жамоа хўжаликларининг аксарият қисми ширкатларга айлантирилиши ёки тугатилиши муносабати билан уларнинг сафлари янада кенгайди. Ҳозирги пайтда биргина Самарқанд вилоятида 8900 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрида 115 минг гектардан ортиқ ер бор. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган ғалланинг 31 фоизи, пахтанинг эса 25 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хўш, ана шу натижа бугунги кун учун қониқарлими?

— Очиғи, фермерлик ҳаракати бошланган пайтда унинг келажагига ишонмаганлар кўпчилик эди, — дейишади мутахассислар. — Сабаби — бу борада бизда тажриба ҳам, малака ҳам йўқ эди. Лекин бугунга келиб, фермерлик ҳаракати ўзининг давр талабига мос эканлигини амалда исботлади.

Вилоят қишлоқ хўжалик ходимлари йиғилишида ҳам «Ширкат хўжаликлари хўжалик ташкилий тузилмаси сифатида қолаверсинми ёки улар ўрнида янги фермер хўжаликлари тузилсинми?» деган масала ўртага ташланганда, кўпчилик «Зарар билан ишлаётган ёки бўлмаса, фойда келтирмаётган ширкат хўжаликларидан воз кечиш, уларнинг ўрнида истиқболи кўриниб турган, камида 45-50 гектар экин майдонига эга бўлган фермер хўжаликлари ташкил этиш лозим» деган хулосага келди. Негаки, буни ҳаётнинг ўзи тақозо этарди. Масалан, Иштихон туманидаги Мурод Жўраев номли ширкат хўжалиги 2001 йилни 16 миллион сўмлик зарар билан якунлаган эди. 2002 йилда эса хўжалик ерлари фермер хўжаликларига тақсимлаб берилди. Натижада айнан ўша шароитда, меҳнат қилган фермерлар йилни 48 миллион сўм фойда билан якунлашди. Ёки бошқа бир мисол. Пайариқ туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалиги 2001 йилда ҳар гектар майдондан бор-йўғи 15 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олиб, 45 миллион сўм зарар кўрган эди. У фермер хўжалигига айлантирилгач, бир йилнинг ўзида фермерлар 92 миллион сўм фойда кўрдилар.

Эътиборли жиҳати шундаки, «Пахтакор» ширкат хўжалигида ҳар гектар ердан олинган 15 центнер ҳосил учун 600 тонна ёнилғи сарфланган бўлса, фермерлар атиги 270 тонна ёнилғи ишлатишди.

Самарқандликлар Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонидан руҳланиб ширкат хўжаликларини босқичма-босқич фермер хўжаликларига айлантиришни мўлжалламоқдалар. Албатта, бунда шошма-шошарлик кетмайди. Биринчи галда ширкат хўжаликлари фаолияти самарадорлиги ҳисобга олинади. Яъни, дастлаб зарар кўрмаса-да, кутилган самарани бермаётган ширкатлар ўрнини қишлоқ мулкорлари эгаллайди.

Ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши ўз навбатида мукобил хизмат турларини ҳам жойида ташкил этишни тақозо этмоқда. Гап шундаки, ёнилғи-мойлаш материаллари, техника, ўғит таъминоти, банк хизмати йўлга қўйилмаса, қишлоқ мулкдорлари олдида янги-янги муаммолар қўндаланг бўлиши тайин. Албатта, бу масалада Президент Фармонида белгиланган кўрсатмалар дастуруламал бўлади.

Самарқандда бугунги кунда айни шу тарзда иш юритилмоқда. Қишлоқда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкдорларга етарли шарт-шароитлар яратиш йўллари қидирилаяпти. Бундай хайрли ҳаракатлар эса ўз самарасини беради, албатта.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Ўтган йилнинг декабрь ойи бошида таниқли америкалик халқаро журналист Стивен Шварц навбатдаги ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар давомида у уч нафар собиқ экстремист билан мулоқот ўтказди. Фарғона вилоятига сафарида унга «Ферганская правда» газетаси мухбири Рустам Аминов ҳамроҳлик қилди. Яқинда нуфузли «Уикли стандарт» газетасида америкалик мухбирнинг «Ал-Қоида»дан қочиш» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Қуйида мазкур мақола қисқартиришлар билан газетхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎзА мухбири Неъмат ДУШАЕВ).

"Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Истеъмолчиларга 110,3 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Аввалги йилдагига нисбатан 26,9 минг тоннадан кўп тайёр металл прокати ишлаб чиқарилди. Қурилишда ишлатиладиган арматура, тоғ-кон ва металлургия корхоналари учун пўлат зўлдирлар четдан келтирилмайдиган бўлди. 2003 йили хорижий истеъмолчиларга сотилган маҳсулотнинг умумий қиймати қарийб 42 миллион АҚШ долларига етди. Бу 2002 йилдагидан салкам икки баравар кўпдир.

Бекободда ўтказилган Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топшириши назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг йиғилишида ана шулар хусусида сўз борди. Унда корхонани хомашё билан таъминлаш бўйича 2003 йил якунлари ва галдаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси, комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Унда тегишли вазирлик, идора, ҳудудий бошқарув органлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда бу борадаги имкониятларни тўлароқ ишга солиш лозимлиги таъкидланди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У. Мирзақулов иштирок этди.

Халқаро эътироф

Бритиш Американ Тобако – Ўзбекистон компанияси ("ЎзБАТ АЖ" ҚК) халқаро аудиторлик ташкилоти "Оливер Вайт" томонидан бизнесни бошқариш соҳасида улкан ютуқларни эътироф этувчи MRP II халқаро стандарти бўйича "А" тоифадаги сертификатни қўлга киритди. Бирор маҳсулот ишлаб чиқариб, кейин уни сотишга ҳаракат қилмай, балки хари- доргир маҳсулот ишлаб чиқаришга интилиш ушбу стандартнинг асосий тамойилларидан биридир. Унинг ўзига хос хусусиятлари эса, маркетинг, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмининг ошиши ҳамда ишчи ўринларининг кўпайишидир.

Таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг 180 мамлакатида фаолият кўрсатаётган «Бритиш Американ Тобако» компаниялари гуруҳида бундай даражага бир нечтагина, Европа минтақасидагилар орасида эса, биргина "ЎзБАТ" АЖ қўшма корхонаси эришган.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Жаҳолатдан қайтганлар

34 ёшли Худойберди Орипов ўзи туғилиб ўсган Қақир Таклаш қишлоғида истиқомат қилади. Олти йил давомида Тожикистонда – «Ал-Қоида»нинг иттифоқчиси — Ўзбекистон ислом харакати деб аталмиш ташкилот сафида бўлган чоғида унинг ота-онаси вафот этишди.

Гап ЎИҲ раҳбарлари – Жума Намангоний ва Тоҳир Йўлдош хусусида борганда унинг овози жиддийлашди, «Улар одам эмас. Мусулмон ҳам эмас», деди у. Намангонийнинг Афғонистондаги ҳужумлари давомида ўлдирилганига ишониши ҳақидаги саволга, у: «Кошкийди, мен ундан нафратланаман», деб жавоб қайтарди.

Орипов узоқ йиллар давомида Марказий Осиёда ваҳҳобизм миссионерларини қўллаб-қувватлаганини очиқ тан олди. Ўзбекистонлик мусулмонларнинг аксарияти эса тинчликпарвар суфизим анъаналарига эътиқод қиладилар.

Истеъдодли воиз Орипов ислом учун кураш мақсадида олти кишидан иборат гуруҳнинг Тожикистонга сафарини ташкил этади. Бироқ, у ерда улар совет мафкураси ва мажбурий меҳнатдан кам фарқланувчи воқеликнинг шоҳиди бўлишди. ЎИҲ лагерларида уларга қуроляроғ ва террорчилик услубларидан фойдаланишни ўргатишди. Уларга барча мавжуд тузумлар, айниқса, ислом дунёсидагиларга нисбатан нафрат уйғотишди. Инструкторлар орасида араблар ва покистонликлар бор эди.

Лагерлардаги мавжуд муҳитга кўниколмаган янги жангарилар ортиқча гап-сўзсиз ўлимга маҳкум этиларди. "17 нафар навқирон йигит Ўзбекистонга — уйларига қайтмоқчи бўлишди, — дейди Орипов. — Абдулазиз деган лагер бошлиғи шахсан ўзи уларни қатл қилди, марҳумларнинг жасадлари эса ҳеч бир исломий дафн удумларига риоя қилинмай умумий қабрга ташлаб юборилди. Маҳаллий аҳоли вакиллари кейинроқ жасадларни қайта дафн этишди. "Сизлар мусулмон эмассизлар", - дейишди улар жангарилларга қарата.

Ориповнинг олти кишилик гуруҳи ҳам қочишга уринди, Намангоний уларни ўлдиришини айтиб, пўписа қилди. Шунга қарамай, икки нафар жангари қўшни Афғонистонга қочишга улгурди, у ерда жароҳатланишди. Кейинчалик улар Ўзбекистонга топширилдилар. "Қачонлардир уларнинг озод қилинишига умид қиламан", — деди Орипов. "Агар президент Буш билан учрашиб қолсам, унга миллионлаб мусулмонларнинг террорчиларга қарши курашга тайёр эканини айтган бўлур эдим".

Иккинчи учрашув собиқ коммунист мамлакатларга хос бесарамжон, кўпхонадонли Марғилон шаҳридаги уйда бўлиб ўтди. Кўринишдан ориқ ва фақирона бўлган 35 яшар Саидакбар Оппоқхўжаев ўз эътиқоди ҳақида кўпроқ ўрганиш умидида "Ҳизб ут-таҳрир" радикал исломий гуруҳ сафига қўшилган.

Оппоқхўжаевнинг "Ҳизб ут-таҳрир" билан танишуви ислом таълимотидан бошланди, бироқ унинг сўзларига қараганда, "орадан кўп ўтмай гуруҳнинг асл мақсади дин эмаслиги аён бўлди. Улар ҳукуматга қарши муҳолифат ҳақида сабоқ беришди. Биз сиёсий даватлар таълимотнинг фақат бир қисми деб ўйлаган эдик, бироқ кўп ўтмай эътибор сиёсатга, Ўзбекистон ҳукуматини ағдариб ташлашга оид даватларга қаратилди. Барча машғулотлар адабиётларни тарқатиш, намойишлар уюштиришга йўналтирилган эди. Айрим гуруҳ аъзолари ҳибсга олинганда, улар ҳақида ўйламаслик ҳамда варақаларни тарқатишда давом этишимиз кераклиги уқтирилди".

Ва ниҳоят, Оппоқхўжаевлар оиласи унинг фаолияти билан қизиқдилар, нималар қилаяпсан, қилаётган ишингни англаяпсанми, дея уни саволга тутишди. "Мен очиқ тан бермади", — дейди у. Ёшлар қочиб, Тожикистоннинг Конибодом шаҳрига келишди. У ерда кун кўриш учун маблағ йўқлигидан одам ёлловчи террорчиларнинг сиртмоғига тушиб қолишди. Уларни Тожикистондаги Тавилдара яқинидаги машқ лагерига жўнатиб юборишди. Ёшлар ажратилиб, паспортларини тортиб олишди ва кимда-ким қочишга уринадиган бўлса, иккаловларини ҳам ўлдиришлари ҳақида огоҳлантиришди.

200 нафар бошқа ёлланганлар билан бирга улар тоғларда бир ой вақт ўтказишди, кейин эса паспорт ва пулсиз Афғонистонга жўнатиб юборилдилар. Бир йил давомида "Толибон" ҳудудида террорчилар кузатувида яшашди.

Мозори Шариф шаҳрида Хўжаев АҚШдаги 11 сентябрь воқеалари ҳақидаги видеолавҳани биринчи марта томоша қилди. Американинг ҳужумлари бошлангач, эр-хотинни Кобулга ўтказишди. Мамлакатдаги тўс-тўполондан фойдаланиб, улар Покистонга қочиб ўтишди. ЎИҲ унинг калласини келтирганга пул мукофоти берилишини эълон қилди. 9 ойдан кейин эр-хотин Ўзбекистонга қайтиб, авф этишни сўрадилар. "Мен АҚШ ҳарбий кучларидан Афғонистонни ҳужумга тутганликлари учун миннатдорман, чунки бусиз мен ҳеч қачон қочишга муваффақ бўлолмасдим", — дейди Ойбек.

Бу ҳикоялардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Мен суҳбатлашган йигитлар экстремистик ҳаракатларнинг кўпгина аъзоларига хос бўлган характерга эга: табиатан етакчи — Орипов, ашаддий ҳақиқатгўй — Оппоқхўжаев, парокандалик домига тортилган бахтқаро ўсмир — Хўжаев.

Битта далил аниқ: террорчилик ҳаракатлари бир-бирига ўхшамайди. Қўл остидагиларнинг ҳаёт ва мамот масалаларида чексиз ҳукуққа эга террорчи бошлиқлар кўп ҳолларда қонхўр фанатлар бўлишади. Аммо, кўпгина оддий жангарилар — ўзларининг нотўғри қарорлари ёки вазият қурбонлари бўладилар. Агар авф ёки бошқа усуллардан фойдаланиб, уларни террорчилар сафини тарк этишга чорлаш мумкин бўлса, буни зудлик билан амалга ошириш керак.

Бен Лодин ва сафдошларининг ўз ташкилотларининг бирдамлиги ва мақсадга эришишдаги якдиллиги ҳақидаги даъволарига ишонишга асос йўқ. Ҳатто энг ёвуз террорчилар ҳам оддий одамларни ўз домига илинтирмасдан, уларнинг онгини заҳарламасдан фаолият кўрсата олмайдилар. Террорчилик гуруҳларидан ҳафсаласи пир бўлган одамлар гапира бошлаганида, уларнинг гапларига қулоқ тутиш лозим. Худойберди Орипов менга айтганидек: "Бошимдан ўтганларни эшитиш учун бирор кимса шунча узоқ йўл босиб келади, деб ҳеч ўйламаган эдим".

«Жаҳон» АА.

Маслаҳатли ГАП

Тараққиёт бор экан, муаммолар ҳам бўлади. Уларни ҳалол кўриш ва ечимини топишга интилиш — ҳаёт тараққиётига кўмаклашиш демакдир. Биз шундай масалалардан бири тўғрисида тўхталишни мақсад қилдик. Бу — инсоннинг ички маданияти масаласидир. Кимларгадир бу масала сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожланишнинг долзарб муаммоларига қиёсан олиб қараганда, айтарли, тош босадиган мавзу бўлиб туюлмаслиги ҳам мумкин. Лекин инсонинг ички маданияти, теран ўйлаб кўрилса, чин маънода ҳаётий масалалардан биридир.

Инсоннинг ички чироғи

Пойтахтимизни дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айлантириш борасида давлатимиз томонидан катта ишлар қилинмоқда. Шаҳар бағри кенгайди, равон йўллар, яшил масканлар, кўллар, мухташам кошоналар кўпайди. Пойтахтнинг гўзаллашуви давом этмоқда. Лекин биз, фуқаролар буни етарли даражада қадрламаяпмиз.

Автобус бекатларига боқинг. Бекатда оёқ босиш учун тоза жой топа олмайсиз. Ҳаммаёқ йиртиқ қоғозлар, газеталар, бўшаган папирос қутилари, сигарет қолдиқлари, писта пўчоғи уюмлари... Баъзи кўчаларнинг ёнидаги бетон ариқларда ахлат, чиқиндилар тўла. Булар — оммавий ички маданиятсизлик натижалари. Бизда ёмон бир қараш шакланган: ўзингники бўлмаса — авайлаб-асраш шарт эмас. Лифт — ўзингники эмас, ҳамманики. Кўча — ҳамманики. Демак, уларга эътиборсизлик айб эмас. Ички маданиятсизларда шундай қараш бор. Ахир лифт ҳам, кўча ҳам, кўча бетидаги телефон ҳам — ҳаммамизники-ку?! Жумладан — сенинки! Буни тушунишни хоҳламаймиз.

Мен ўзим пойтахтимизнинг Сирғали туманида яшайман. Сирғали-5 ва Сирғали-6 даҳалари орасида ташландиқ ва сизот сувлардан ҳосил бўлган канал оқади. Ўзани бетонлаштирилган, икки ёнида йўлкалар бор. Оқшомлари сайр қилса бўлади, дейсиз. Аммо... бу каналга қараб бўлмайди. Дунёнинг ахлати унинг ичида. Канал суви чиқиндиларни оралаб ўзига йўл топа олмай, димиқиб оқади. Бу каналнинг ифлос манзараси — бизнинг кимлигимизга кўзгу эмасми? Ахир шу атрофдаги одамлар ва болалар ичимликдан бўшаган идишлар, ташландиқ қоплар, елимли халталар, ахлатлар билан бу канални «обод» қилишяпти-ку.

Жанубий вокзал ёнидан автобусда ишга ўтаман. Бу вокзал ҳудудида катта кўприк қурилган. Атрофи кўкаламзор, баҳор, ёз бўйи яшнаб, кўзни қувонтиради. Бироқ кўприкдан бироз нарида, вокзал олдидаги кенг майдонни ташландиқ нарсалар бефайз қилиб турибди. Бу жой пойтахтимизнинг гавжум жойларидан бири. Майдон тўрида тижорат дўконлари, унинг бекат томонини ёйма бозорлар эгаллаган. Бу «тижоратчи»лар ўзларидан ортган ҳамма чиқиндиларни шу майдонга итқитишади. Аммо майдонни тозалашни сира ўйлашмайди. Бундай дидсизлик ва лоқайдлик ҳам ички маданиятимиз қай даражада эканлигидан бир далолат.

Яна бир ҳолатни эсламасдан ўта олмайман. Сирғали-5 да шу кунларда кўпқаватли 10 та уйда лифт ишламай турибди. Одамлар «Лифт нега ишламаяпти?» деб маҳаллий уй-жой мулкдорлари ширкатига ва лифтчи ходимларга бориб жанжал қилишади. Ҳолбуки, «Дилхушнур» деб аталган ширкат шаҳар лифт-трести-дан 10 миллион сўм, умуман, Сирғали тумани маҳаллалари бу трестдан 72 миллион сўм қарздор экан. Нега? Чунки кўп қаватли уйда яшовчилар коммунал хизмат, жумладан, лифт хизмати ҳақини сурункали тўламай келишмоқда. Хуллас, «Нега лифтни ишлатмайсизлар?» деб дўқ-пўписа билан тегишли жойларга боришни биламиз. Лекин лифт ҳам хизмат тўлови ҳисобига ишлаши мумкинлигини ўйламаймиз. Ширкатда айрим фуқаролар: «Эски ҳаммом, эски тос! ЖЭКни ширкат дедиларинг, лекин ўша-ўша аҳвол. Халқни ўйламайсанлар!» деб жанжал кўтариб турганлигига гувоҳ бўламиз. Аммо, ўйлаб кўрайлик — ўзгариш бизнинг ўзимиздан бошланиши керак эмасми? Яъни биз коммунал ва лифт хизмати ҳақини тўласак, пул трестга тушса, лифтсозлар келиб ишлайди-ку. Ҳозир эса трестда ишдан чиққан лифт моторларини тиклаш учун маблағ етишмаяпти, улар ҳатто ўз ходимларининг ойлик маошларига ҳам пул топиша олмаяпти. Кўриниб турибдики, биз собиқ тузум давридаги боқимандалик кайфиятидан ҳанузгача воз кеча олмаяпмиз. Яъни бизга лифтни давлат тузатиб берсин, деймиз. Бу ҳам ички маданиятимизнинг мажруҳ томонларидан бири.

Қуш уясида кўрганини қилади, дейдилар.

Бизни кўриб болаларимиз ҳам маънавий чекинишлар билан ўсаётганлиги айниқса ачинарлидир. Улар автобусларда қариялар билан жой талашишади. Болаларимиз уйдан челакда ёки халтада ахлат кўтариб чиқиб, уни ахлат қутиларига етказиб олиб бормай, тап тортмасдан уй атрофларига, йўлакларга, сувларга тўкишади. Болалар ҳар Наврўз арафасида экилган дарахтларни эрмакка синдиришади. Янги йил байрами кунларида пиротехникаларни портлатавериб, аҳолини тинка-мадордан кеткизади... Уларни бундай ножўяликлардан тийиб қўйишни ўйламаймиз. Лифтларнинг ичидаги абгор ҳолат, автомат-телефонларнинг кўринишни одамни хафа қилиб юборади. Ички маданиятсизлик билан боғлиқ бундай ҳолатларни яна ва яна келтириш мумкин. Хўш, аҳволни ўзгартириш мумкинми? Албатта! Бу энди ўзимизга, ҳар биримизга боғлиқ. Биз-нингча, ички маданият тарбиясини оиладан бошлаш самаралидир. Ёки фарзандларимизни жамиятни, ўзидан бошқаларни ҳурмат қилишга ўргатиш ҳам оиладан, ота-оналардан бошланади. Мактаб, ўрта ва олий таълим муассасаларида ҳам фарзандларнинг ички маданиятини тарбиялашга эътиборни кучайтириш зарур. Буни ҳурматли ўқитувчиларимиз ўзларидан бошлашларига тўғри келади.

Халқимиз дини ислом намояндаларини чуқур ҳурмат қилади ва уларнинг пандўгитларини табаррук деб билади. Шундай экан, муҳтарам имомларимиз жума номозларида ёки маросимлардаги амри маъруф соатларида шаҳарларимиз, маҳаллаларимизнинг озодалиги, покизалигини сақлашга аҳли давраларни даъват этсалар, сув, дарахт, оёқ остидаги майса Аллоҳнинг неъмати эканлигини, уларни қадрлаш зарурлигини уқтирсалар, оилаларда болалар тарбияси билан қатъий шуғулланишни талаб қилсалар, ғоятда савобли иш қилган бўлар эдилар. Мактаблардаги одобнома дарсларида ҳам бу мавзу четда қолмаслиги керак. Иймон ва инсоф — инсон маънавиятининг чироғи. Шу ички чироқ ҳамиша йўлимизни ёритиб туриши керак.

Шунингдек, давлат миқёсида атроф-муҳит тозалигини сақлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни янада кучайтиришга эҳтиёж бор. Ахир ривожланган давлатларда бу йўналишдаги жазо чоралари кишиларни ҳушёр торттирадиган даражада кучли-ку! Биз ҳам шу йўлдан борсак, ижтимоий-экологик тартиб-интизом тубдан яхшиланиши табиий.

Михли САФАРОВ.

Газетада босилмади, аммо...

Янгийўл тумани, Эски қовунчи қишлоқ фуқаролар йиғини, "Дархон" маҳалласи аҳолиси номидан таҳририятимизга келган хатда мазкур ҳудудни ичимлик суви билан таъминлаб келаётган қудуқ бузилганлиги, шу боис аҳоли санитария-эпидемиология маркази истеъмолга нолойиқ деб топган "Жўн" ариқ каналидан фойдаланишга мажбур бўлаётганини маълум қилинган. Таҳририятдан янги қудуқ қазиш масаласини ҳал этишда ёрдам сўралган.

Дастурга киритилди

Мазкур хат текшириш учун Тошкент вилояти ҳокимлигига юборилган эди. Унга вилоят Индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича котибият мудири С.ИЛҲОМОВ имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, ушбу маҳаллада янги қудуқ қазиш зарурлиги ва бу ишларни амалга ошириш учун 50-60 миллион сўм маблағ кераклиги аниқланган. Чунки "Писталик" маҳалласидаги иккита янги қудуқ носоз аҳволда. Марказдаги иккита қудуқ ҳам кўп йиллардан бери ишламайди. Боиси қудуқларнинг ишлаш муддати ўтаб бўлинган. Ичимлик суви таъминотидаги бу муаммо ҳал этиш учун 2004 йилги дастурга киритилган. Шунингдек, ичимлик суви тармоқлари қурилиши масаласи ҳам кўриб чиқилган.

TRAST TA'MINOT
ФОСФОХИМ
ЗАКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
AZMOL
реализует со склада в Ташкенте
СМАЗКИ
(пр-ва России, Украины)
- Смазка 1-13
- Литол-24
- Фиол-1
- Графит. жир.
- ШРУС-4
- Фиол-2
- Технологич.СВ-1
- ЖРО
- ИП-1 л/з
- Прессолидол Ж
- ЛЗ- ЦНИИ
- Солидол Ж
- Графит. Термост. «ГТШ»
- Смазка 158
- Графит. электропров. ж/д. «КЖ»
- Графит. для горяч. пресс. «ТСГ-7»
- Циатим-201, 202, 203, 205, 208, 221.

Упаковка: 1л.: 25 л.: 200л.

ФРИКЦИОННЫЕ ИЗДЕЛИЯ
ДЛЯ ГРУЗОВОГО И ПАССАЖИРСКОГО ТРАНСПОРТА:
НАКЛАДКИ ДЛЯ ДИСКОВ СЦЕПЛЕНИЯ,
НАКЛАДКИ ТОРМОЗНЫЕ,
ПАРОНИТ ПОН-Б, ПМБ толщ. 0,8 ÷ 4 мм.
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

Бокс: Осиё чемпионати

Кураш давом этади

Филиппиннинг Пуэрто-Принцесса шаҳрида бўлиб ўтаётган бокс бўйича Осиё чемпионатини вакилларимиз ғалаба билан бошлашди. Дастлабки куни ўтказилган баҳсларда рингга чиққан уч боксчимиз ҳам рақибларидан устун келдилар. 48 килограммли вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Отабек Мамажонов ироқлик боксчига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Дилшод Маҳмудов (64 кг.) ҳам қитъа чемпионлиги сари илк қадамини ташлади. Лаослик чарм қўлқоп устасини катта фарқ билан енгган Дилшод кеча кечқурун монголиялик боксчи билан ярим финал масаласини ҳал қилди. Ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида бронза медали билан тақдирланган Нодир Ғуломов (81 кг.) Осиёда олтин медаль учун кураш олиб бормоқда. У қитъа чемпионатида илк "жанг"ини мезбонлар вакилига қарши ўтказиб, ишончли ғалабага эришди.

Мусобақаларнинг иккинчи кунида 51 килограмм вазнда рингга чиққан Тўлашбой Дониёров ҳам ҳамюртларимизнинг зафарли одимини давом эттирди. Тўлашбой Покистоннинг энг истеъдодли чарм қўлқоп устаси билан кечган баҳсда рақибидан анча кучли эканлигини кўрсатди. Жаҳон чемпионатининг кумуш медаль соҳиби Шерзод Ҳусанов (69 кг.) учун Таиланд терма жамоаси аъзосини енгиш қийин бўлмади. Қитъа чемпионатидан олдин берган интервьюларида таиландликларнинг мураббийи айнан 69 килограмм вазнда Олимпиада йўлланмасини қўлга киритишни режалаштираётганди. Шерзод эса уларнинг бу ниятини амалга ошишига йўл қўймади.

Умидли ёш боксчиларимиздан Беҳзод Хидиров кунчиқар ўлка — Япония вакили билан бўлган муросасиз "жанг"да очколар бўйича муваффақият қозонди. Икки вазнда эса ҳамюртларимиздан омад юз ўгирди.

Кеча кечқурун Баҳодир Султонов (54 кг.), Игорь Алборов (91 кг.), Рустам Саидов (мутлақ)лар қитъа биринчилиги баҳсларига киришишди.

Дилмурод ПАРПИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ

«UzPAK» маълумотларни узатиш давлат корхонаси тармоқлари мажмуаси бўйича

ОЧИҚ ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бошланғич баҳоси — 361 000,0 минг сўм.

Тендернинг асосий шартлари:

- давлат кафолати бўйича жалб этилган кредит маблағларини қисқа муддатларда қайтариш;
- корхонага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 52-сонли ва 1999 йил 22 апрелдаги 19-сонли қарорларига мувофиқ юклатилган вазифаларни бажариш.

Тендер шартларини бажариш бўйича талабгорлардан берилган таклифлардан ташқари энг юқори таклиф этилган харид нархига ҳам асосий эътибор қаратилади.

Талабгорлардан тақдим этилган мухрланган конвертлардаги таклифлар 2004 йил 18 мартда очилади. Агар шу куни талабгорлардан етарли миқдордаги таклифлар тушмаса, савдо 2004 йил 25 мартга ўтказилади. Тендер Давлат мулки қўмитаси биносининг 3 қаватидаги мажлислар залида соат 12.00да ўтказилади.

Талабгорлар тендерда иштирок этиш учун тендер ҳужжатларини савдо ташкилотчисидан сотиб оладилар.

Тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар қабул қилиниши савдо бошланишидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Мазкур объектга қизиқиши бор юридик ва жисмоний шахслар, хорижлик сармоядорлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига ёки тендер ташкилотчиси «KIM OSHDI SAVDOLARI» агентлигига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар учун
сиз қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 8-қават, 6-хона. Телефон: 139-20-91;

Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика биржа маркази биноси, 3-қават,
8-хона, «KIM OSHDI SAVDOLARI» агентлиги.
Телефонлар: 136-28-75, 133-25-21, факс: 136-06-17.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ ПУДРАТ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

қуйидаги объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи	Ишларни тугаллаш муддати	Объектнинг бошланғич қиймати
1.	Ғаллаорол тумани марказидаги медицина билим юртини касб-ҳунар коллежи учун қайта таъмирлаш.	8 ой	980,7
2.	Пахтакор туманининг «Оқбулоқ» ширкат хўжалигидаги ЎзПИТИ биносини касб-ҳунар коллежи учун қайта таъмирлаш.	10 ой	1045,0

Буюртмачи — Жиззах вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси. Манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 100-уй. Телефонлар: 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган пудратчи ташкилотлар қуйидаги малака талабларига жавоб беришлари керак: устав сармояси миқдори, объект қийматининг камида 20% миқдоридаги айланма маблағларга ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари ҳамда ўз кучи билан ва ўхшаш объектларни қуриш бўйича иш тажрибаси борлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эгалиги.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси Жиззах вилояти филиалига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан эълон чоп этилган кундан бошлаб соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари сўралади: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 312 ва 315-хоналар. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-05-42.**

Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Оферталар юқоридаги манзил бўйича қабул қилинади.

Оферталарни тақдим этишнинг энг охирги муддати — тендер комиссиясининг оферталарни очиб кўриш бўйича йиғилиши куни ва соатигача.

Оферталар эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг соат 10.00да тендер комиссияси томонидан қуйидаги манзилда кўриб чиқилади: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй, вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали.**

ASAKA BANK

Ҳурматли тадбиркорлар!

Сизга тадбиркорлик фаолияти учун асбоб-ускуналар ёки техника керакми?

«АСАКА» банки сизга ушбу асосий воситаларни

ЛИЗИНГ орқали харид қилишни таклиф этади.

Асбоб-ускуналарни танланг, биз эса уларни сиз учун харид қиламиз. Ушбу асбоб-ускуналардан фойдаланиш натижасида қарзингизни 5 йил давомида аста-секинлик билан тўлайсиз.

Асосий шартларни эслатиб ўтамиз:

- лизинг муддати — 1 йилдан 5 йилгача;
- лизинг суммаси — 20 минг АҚШ долларидан ва ундан юқори (ёки бошқа турдаги валюта эквивалентида) бўлиши керак;
- лизинг таъминоти — лизинг шартномаси суммасининг 50%дан кам бўлмаслиги керак;
- бошқа шартлар — бўнак тўлови биринчи йиллик тўловининг 25% миқдорида амалга оширилади.

Лизинг бўйича имтиёзлар:

- лизинг асосида Ўзбекистонга олиб келинадиган технологик асбоб-ускуналар ҚҚС ва божхона тўловларидан озод этилган;
- лизинг олувчи лизинг объекти бўйича мулкни ўз баланс ҳисобига олса ҳам, мулк солиғидан озод этилади;
- фойда солиғи бўйича солиқ базасини белгилашда, лизинг бўйича тўланадиган фоизларнинг суммаси, лизинг олувчининг жами даромадларидан тўлиқ ҳажмда айириб ташланади.

«АСАКА» банки — муваффақиятли бизнес фаолиятингизнинг кафолатидир!

Қўшимча маълумотларни 120-81-83, 120-82-23 рақамли телефонлар орқали ёки «АСАКА» банкининг истаган филиалидан олишингиз мумкин.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда бозор муносабатлари кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар туфайли жамиятда мулкчиликнинг турли шакллари жорий этилди. Иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечилиб, талаб ва таклиф, ўзаро манфаатдорлик ва фойда кўриб ишлаш анъанага айланди. Буни, табиийки, транспорт тизимида ҳам кузатиш мумкин. Тармоқдаги муайян ўзгаришларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли қарори муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарордан кўзланган мақсад ва вазифалар хусусида Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи, милиция подполковниги Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ билан суҳбатлашдик.

Сафарингиз Бехатар Бўлсин!

— Маълумки, жамият ҳаётини жамоат транспортисиз тасаввур этиш қийин, — деди у. — Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб, мамлакатимизнинг турли даражали йўлларида юз минглаб транспорт воситалари ҳаракат қилмоқда. Уларнинг аксариятининг техник жиҳатдан соз лигини эътироф этган ҳолда, айримларининг талабга жавоб бермайдиган ҳолатда йўналишга чиқаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ана шу эътиборсизлик оқибатида бир неча кўнгилсиз ҳодиса ҳам рўй берди. Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги автоҳалокатлар бунга мисол бўла олади.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдаги тартибсизлик, бошбошдоқликка барҳам бериш, бошқарувни такомиллаштириш ва тартибли йўналишни изга солиш мақсадида юқоридаги қарор қабул қилинди. Йўловчилар ва юк ташиш хавфсизлигини таъминлашга ва бошқа долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган мазкур қарор талабларига мувофиқ, эндиликда йўловчи ташувчи автобуслар (техник базага эга бўлмаган)нинг шартномавий асосда йўналишга чиқишига рухсат берилади. Яъни, ҳайдовчи ўз ҳудудидаги автокорхона маъмурияти билан шартнома тузиши ва унга асосан транспорт воситасини биринчи ва иккинчи техник назоратдан ўтказиши шарт. Автокорхона маъмурияти бундан ташқари, ҳайдовчида тиббий кўрикдан ўтганлиги хусусидаги маълумотнома бўлгандагина унга йўл варақасини бериши лозим. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, автобусларнинг йўлга чиқиши мумкин эмас.

Мавжуд қоидага кўра, автобусларни бошқариш "Д" тоифали, сўнгги пайтда узлуксиз 3 йил ҳайдовчи бўлиб ишлаган, 21 ёшга тўлган ва тиббий кўрикдан ўтган кишиларга рухсат этилади. Шаҳарлараро, тоғли йўналишларга чиқиш, шунингдек, сайёҳлар ва болаларни ташишга эса ана шу муддат давомида автобус ҳайдаётган шахслар ҳақлидирлар.

Қабул қилинган қарорнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, у ҳам бўлса, автобусларга тахографнинг қўйилиши талаблари бажарилишига риоя қилишдир. Тахограф ҳар бир масофада бажарилган ишларни қайд этиб боради ва у орқали ҳайдовчи ёки автокорхона муҳандис-мутахассисларининг йўл қўйган хатокамчиликларини аниқлаш имконини беради. Шаҳарлараро йўловчи ташувчи автобусларнинг ҳайдовчилари икки кишидан иборат бўлиши ва улар ҳар тўрт юз километрдан сўнг алмашиши, айни чоғда ўз тахограф дискини ўрнатиши лозим. Агар ҳайдовчининг тахографи бўлмаса, йўналишга қўйилмайди. Жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган мазкур қоида транспорт тизими сифатини яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, "Ўзавтойўл" концерни, республика Гидрометеорология бош бошқармаси ҳамда бошқа вазирлик, идораларга ҳам ҳукумат қарори талабларидан келиб чиқиб тегишли вазифалар юклатилган. Масалан, Гидрометеорология бош бошқармаси олдиндан об-ҳавонинг қандай бўлишини маълум қилиши ва йўлларда юзага келиши мумкин бўлган туман тушиши, музлама, кучли сел, қор бўрони ёки унинг кўчиши, довул оқибатида кўриш масофасининг ёмонлашувидан ҳайдовчиларни огоҳлантириб туриши лозим бўлса, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ходимлари ўзларига тегишли ҳудудлардаги йўлларнинг кесишмаларидаги ҳаракатни назорат қилиб боришлари, йўл белгилари ва светофорларнинг тўлиқ ишлашини таъминлашлари керак.

Шу билан бирга, транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда йўлларнинг қай даражада талабга жавоб бериши ҳам катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан "Ўзавтойўл" концернига ҳам масъулиятли вазифалар юкланган. Йўллар ва кўчаларнинг текис ва равон бўлишини таъминлаш шулар жумласига киради.

Бир сўз билан айтганда, йўловчилар ташиш сифатини ошириш ва уларни хавф-хатарсиз кўзлаган манзилларига етказиш мазкур қарорнинг ижросига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

"Халқ сўзи" мухбирлари Саидолим ҲАЙДАРОВ, Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.

Шаҳримиз кўчаларининг тинчлиги, ҳар хил салбий ҳодисалардан холи бўлишида Йўл-патруль хизмати ходимларининг ҳиссаси беқиёсдир. Улар одамларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш билан бирга, кўпгина хавфларнинг олдини олишади. Собиржон Отабоев ҳам ана шу назорат ходимларидан бири. Унинг ўз ишига масъулият билан ёндашишига ҳамма ҳавас билан қарайди.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар Йўл-патруль хизмати 2-бригада, 3-мобил гуруҳ милиция сержанти Собиржон Отабоев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Олтин Воҳа» эфирда

Қашқадарё вилоятида янги йилдан бошлаб «Олтин воҳа» радиостанцияси иш бошлади.

FM-102,3 тўлқини орқали энг янги хабарлар тингловчиларга етказилмоқда. Айниқса, жонли мулоқот одамларни ҳаяжонга солмоқда. Шунингдек, эшиттиришлару баҳс-мунозара ва таклифлар бари-баридан қизиқарли. Радиостанция ана шуниси билан ўз тингловчиларини топмоқда.

Н. РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт — соғлиқ элчиси. Инсон жисмоний етук бўлса, унинг маънавияти, дунёқараши ҳам бой бўлади. Юртимизда спортга бўлган эътиборнинг натижалари кун сайин кўзга ташланади. Яқинда бўлиб ўтган шаҳарлараро оилавий спорт мусобақалари фикримиз тасдиғидир. Ушбу мусобақа ғолиблари Республика чемпионатига чиқишга сазовор бўлдилар. Сирғали туманида яшовчи Аҳаджон Аҳмадалиевлар оиласи Тошкент шаҳри бўйича 1-ўрин, республикада 4-ўринга муваффақ бўлдилар. Улар келгуси йилда бўладиган навбатдаги мусобақаларга тайёргарлик кўришаяпти.

СУРАТДА: Тошкент шаҳри бўйича шаҳарлараро оилавий спорт мусобақаси ғолиби Аҳаджон Аҳмадалиев оила аъзолари билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҲИНДИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Ҳиндистон экспорт қилувчи ташкилотлар федерацияси(ФИЭО) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда

«СОТУВЧИ-ХАРИДОР»

учрашувини ўтказади.

Ҳиндистон экспорт қилувчи ташкилотлар федерацияси Ҳиндистон савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, савдони ривожлантириш бўйича етакчи ташкилот ҳисобланади. Ҳиндистоннинг 17 йирик компанияси иштирок этадиган бундай нуфузли анжуман Ўзбекистонда биринчи маротаба ўтказилади.

«Сотувчи-харидор» учрашувига ҳиндистонлик тадиркорлар билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлган барча давлат корхоналари, компаниялар, хусусий тадбиркорлар таклиф этиладилар.

Учрашув 2004 йил 20 январь куни соат 10.00 да «INTERCONTINENTAL» меҳмонхонасининг биллур залида ўтказилади. Манзил: Тошкент ш., Амир Темур к., 107 А.

Ҳиндистон компаниялари қуйидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатадилар:

- *Қўлда ишлатиладиган турли хил меҳнат анжомлари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш — боғдорчилик анжомлари, болғалар, калитлар, қисқич ва автомобиль учун жиҳозлар ва ҳ.к.;*
- *Электроника, рангли ва оқ-қора телевизорлар, радиолалар, узлуксиз таъминот жиҳозлари, шипга ўрнатиладиган ва стол устига қўйиладиган вентиляторлар;*
- *Тўқимачилик маҳсулотлари, пахта хом ашёси, свитерлар, плёнка қопламали матолар;*
- *Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари;*
- *Пластикдан ясалган буюмлар;*
- *Фармацевтика ва медицина жиҳозлари, кимё саноати маҳсулотлари, ветеринария дори-дармонлари, қишлоқ хўжалик учун кимёвий дорилар;*
- *Ёнилғини пуркаш учун жиҳозлар, автомобиль электрон тизимларини тестлаш учун асбоблар, автомобиль жиҳозлари, стартерлар ва ҳ.к.;*
- *Озиқ-овқат саноати учун таъм берувчи қўшимчалар, эмульсия ва концентратлар;*
- *Автомобиль шиналари учун рақамли автоматик насослар;*
- *Касалхона, лаборатория жиҳозлари;*
- *Электр жиҳозлари ва машиналар;*
- *Компьютер, қаттиқ компонентлар ва дастурий таъминот;*
- *Таркибида алкоголь бўлган ва бўлмаган парфюмерия маҳсулотлари, тозаловчи ва ажинларга қарши кремлар, сочлар учун таркибида хина ва алоэ бўлган мойлар;*
- *Автомобиль йўллари, кўприклар, аэропортлар қуриш, шаҳарсозлик,туризмни ривожлантириш ва ҳ.к. бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш;*
- *Экскаваторлар, тоғ ва қурилиш учун техника ва ускуналар;*
- *Барча турдаги спиралсимон, ҳалқали зичлаштирувчи, графитли саноат мосламалари ўрнатиш;*
- *Ҳимоя кийимлари, ҳимоя оёқ кийимлари;*
- *Банк иши, молия, таълим, соғлиқни сақлаш, суғурталаш, юк ташиш, спорт, туризм, темир йўллар, телекоммуникация ва бошқа тармоқлар учун ахборот технологиялари соҳасида қиммат бўлмаган ва юқори сифатли ечимлар ва маҳсулотлар етказиб бериш.*

"Сотувчи-Харидор" учрашуви чоғида кўргазмага қўйилган маҳсулот намуналари сотилмайди.

Янги нашр

Бозор, шартнома ва ... китоб

Янгиланиб бораётган жамиятда одамларнинг онгини ошириш, уларни туб бурилиш жараёнида юзага келадиган воқеа-ҳодисалардан бохабар этишда, янгиликларни тарғиб этишда китобнинг ўрни муҳим. Бугунги кунда, айниқса, биз учун бозор иқтисодиётига доир қўлланмалар ниҳоятда зарур. Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда нашриётларимиз томонидан бу ва бошқа йўналишлардаги китоблар, илмий ва бадиий асарлар, рисолалар кўплаб чоп этилмоқда.

Муаллиф Ҳамза Маҳмудовнинг "Маънавият" нашриёти томонидан чоп этилган "Бозор иқтисодиёти шароитида давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришнинг ҳуқуқий масалалари" китоби ҳам ана шундай янги, соҳа ходимлари учун зарур бўлган нашрлардан дейиш мумкин. Китоб тўрт бобдан иборат. Биринчи бобда давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши хусусида сўз борса, иккинчи бобда уни тузиш асослари ва бажариш тартиби ҳақида тушунча берилган. Учинчи ва тўртинчи бобда эса давлат эҳтиёжларини товарлар билан таъминлаш бўйича тузиладиган шартномалар ҳамда уларни бажаришдан бош тортиш оқибатлари тўғрисида гап боради.

Ҳамза Маҳмудовнинг мазкур китоби ўқувчига тушунарли, оддий тилда баён этилган. Муаллиф мавзуни ёритишда турли илмий манбалар, норматив ҳужжатлар ва суд амалиёти материалларидан унумли фойдаланган.

Китоб бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бериб, у хўжалик юритувчи субъектлар — раҳбар ходимлар, ҳуқуқшунослик фанларидан тадқиқотлар олиб борувчи илмий ходимлар, талабалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 июлдаги 304-сонли қарорига мувофиқ 2004 йилнинг февраль-июль ойларида

- 176 соатли чуқурлаштирилган ўқув дастури бўйича ижрочи орган ходимлари, акционерлик жамиятларининг раислари, ўринбосарлари, давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарув компанияларининг раҳбар ходимларини тўрт ҳафталик;
- 88 соатли ўқув дастури бўйича акционерлар кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, қимматбаҳо қоғозлар бўйича мутахассислар, бухгалтерлар, иқтисодчилар, давлат секторининг иқтисодиёт соҳасида ишлаётган мутахассислари ва молия секторида ишлаётган бошқа ходимларни икки ҳафталик

корпоратив бошқарув, молиявий таҳлил ва ҳисобот, молиявий ва стратегик менежмент ҳамда маркетинг йўналишлари бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Шу билан бирга, Корпоратив бошқарув маркази:

- *молиявий менежмент (34 соат);*
- *маркетинг бошқаруви (34 соат);*
- *банкларда ва корхоналарда валюта операциялари ва ҳисоби (30 соат);*
- *банкларнинг замонавий операциялари (26 соат);*
- *кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш тартиби (26 соат);*
- *саноатда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи (60 соат,янги ҳисоб варақлар режаси асосида);*
- *солиқ ва солиққа тортиш (30 соат);*
- *корхонанинг молиявий фаолиятини шахсий компьютерларда дастурий йўл билан таҳлил қилиш ва ҳисоботларни тайёрлаш (24 соат).*

Қисқа муддатли қўшимча курсларга тингловчиларни қабул қилади. Ўқиш халқаро андозалар талабига тўлиқ жавоб берадиган компьютер ва бошқа техника жиҳозлари билан таъминланган кенг ва ёруғ хоналарда маҳаллий ва хорижий ўқитувчилар, олимлар ҳамда амалиётдан таклиф этилган малакали мутахассислар томонидан ўтилади. Ўқув курсларини муваффаққиятли тугатган тингловчиларга махсус қайд рақамига эга бўлган сертификатлар берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59-уй, 3-қават.
Мўлжал: метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати.
Телефонлар: 137-20-33, 137-09-37. Факс: 137-45-21, 137-24-40.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

қуйидаги иншоотга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 10-махсус касб-техника билим юртини 450 ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш объектини тайёр ҳолда (под ключ) қуриш.

Лойиҳани тайёр ҳолда (под ключ) қуриш бошланғич нархи — 654 802 000 сўм.
Қурилишни якунлаш муддати — 210 кун.

Буюртмачи — Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси. Телефонлар: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.
Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг 20 фоизи миқдорида бўш айланма маблағга, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилояти филиалига қуйидаги манзилга:

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-36922) 26-14-50, 26-47-91.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри,А.Хўжаев кўчаси,59-уй.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия аъзоси **Зоиржон Исонович ҚОДИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси **Лазиз ҚАЮМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон «Сифат» марказининг раҳбарияти ва жамоаси «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг раиси Эркул Зикриёевга турмуш ўртоғи **Меҳмон ОМОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги меҳнат жамоаси агентликнинг Кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш бўлими бошлиғи Волида Умархўжаевага опаси **Одила УМАРХЎЖАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Ўзбекистон» телеканалининг кекса телеоператорларидан бири **Илёс ШОИНОЯТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси «Тошкент Телеком» филиали директори Абдурашид Абдумўминовга падари бузруквори **АБДУАҲАД отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«O'zengsanloyiha» (ГПИ-4) институти жамоаси «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Эркул Зикриёевга рафиқаси **МЕҲМОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси Жиззах вилояти филиали бош бухгалтери Рамиля Валиевага онаси **Хуснинур ВАЛИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 274. 31749 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан ошиб материаллар қабул қилинмайди.
(!)-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир —А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Муқимов.
Мусаҳҳих — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.50 12345